



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 31 январь, № 21 (7251) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 30 январь куни Жиззах вилоятига келди.

Халқимиз давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифини алоҳида қизиқиш билан кузатиб боради. Зеро, бу каби ташрифлар чоғида оддий одамлар дилидаги гаплар айтади, ҳаётини муаммоларга ечим топилади, янги ташаббуслар, ғоялар амалга оширишга туртки берилади.

Президентимизнинг Жиззах вилоятига бу гапга ташрифи ҳам ана шундай кўтаринки руҳда бошланди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Фориш туманида атом электр станциясини куриш учун муҳандислик тадқиқотлари олиб борилаётган майдонлардан бирини кўздан кечирди.

Маълумки, тинч мақсадларда фойдаланиш учун мамлакатимизда илк бор атом электр станцияси курилиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ, Вазирилар Маҳкамаси ҳузурда Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган. Хорижий лойиҳалар сони ва кўлами бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган "Росатом" корпорацияси билан келишувга эришилган.

Ушбу станция ҳар бири 1 минг 200 мегаватт қувватга эга иккита, "3+" авлодига мансуб энг замонавий ва хавфсиз энергия блокидан иборат бўлади. Улар Халқаро атом энергияси агентлигининг барча хавфсизлик талабларига жавоб беради.

Атом электр станциясининг ишга туширилиши натижасида миллиардлаб куб метр табиий газ иқтисод қилинади, атмосферага

карбонат ангидрид чиқарилиши йилига 14 миллион тоннагача, азот оксидлари чиқарилиши 36 минг тоннага камаяди. Атом энергияси экологик тоза бўлиб, ис гази ҳосил қилмайди.

Президентимиз тадқиқот ишларининг бориши билан қизиқди, "Узатом" агентлиги ва "Росатом" корпорацияси раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Бу улкан лойиҳа Россия билан стратегик шериклигимизнинг янги йўналиши. Мамлакатимиз саноти ривожлантириш, аҳоли сони ўсаяпти. Ҳали олдинда яна катта режаларимиз бор. Булар учун барқарор энергия таъминоти керак. Атом электр станцияси энергия манбалари чекланган шароитда ана шундай имконият яратди, иқтисодиётни ривожлантиришга, одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Атом электр станциясини аниқ ҳисоб-китоб ва пухта тайёргарлик билан барпо этиш, шундай иншоотлар курилишига оид хорижий тажрибани ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Бизнинг атом электр станциямиз бошқаларидан яхши, сифатли ва хавфсиз бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу соҳага иختисослашган кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонлик 30 нафар талаба "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университетида таълим олмақда. Мазкур билим юртининг Тошкентда ташкил эти-

лаётган филиали келгуси ўқув йилидан илк талабаларни қабул қилади. Бу ёшлар юқори малакали мутахассис бўлиб етишади ва атом электр станциясининг хавфсиз ишлашини таъминлайди.

Шу ерда Жиззах вилоятининг минерал хом ашё базисини кенгайтириш, Фориш туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туризм салоҳияти ва лалми ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Фориш — имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа ҳудудлардан бир оз орқада. Бу ернинг қишлоқ ҳўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларидан тўғри фойдаланишга, туман иқтисодиётини бир неча баробар юксалтириш мумкин, деди Президент.

Масалан, Жиззах вилоятида базальт, рух, кўрғошун, цемент, гипс, кварц, пардозбоп тошлар каби табиий бойликлар кўп. Геологик ва иқтисодий таҳлиллар асосида уларни қайта ишлашни ташкил этиш, маҳаллий бюджетга катта даромад келтириши ва аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлиги таъкидланди. Бунинг учун "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш, тадбиркорларга кенг йўл бериш кераклиги қайд этилди.

Яна бир катта имконият — Фориш тумани худудининг кенглигидир. Ававалги ташриф чоғида берилган топшириққа асосан, бу ерда сувни тўплаш ва ундан тежаб фой-

даланишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Натижада туманда қўшимча 50 минг гектар суғориладиган ер пайдо бўлди. Президентимиз бу жойлар илгари фойдаланилмаган ҳосилдор тупроқ эканини таъкидлаб, унга талаб юқори маҳсулотлар экиш, аҳоли даромадини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, вилоятдаги сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни кўпайтириш, чўл туманларда чорвачиликни ривожлантириш, сут ва жунни қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Жиззахлик нурунийлар билан мулоқот қилди.

Суҳбатда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Юртимизнинг ҳамма жойларида янги заводалар, уй-жойлар, мактаблар куриляпти. Халқимизнинг яшаш шароити, талаблари ҳам ўсиб борапти. Бу эҳтиёжлар учун ҳозирча табиий бойликларимиздан фойдаланиш, лекин уларнинг захираси чексиз эмас. Шунинг учун муқобил энергия манбаларини яратишимиз зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу атом электр станциясини куришда барча халқаро талабларга қатъий риоя қилиниши, бундай станциялардан кўпалай мамлакатларда кенг фойдаланилаётгани қайд этилди.

Биз бу лойиҳанинг хавфсизлиги, иқтисодий зарурлиги ишончимиз комил бўлгани учун куришга киришдик. Эртанги кунни уйлаб иш тутмасак, ривожланишдан орқада қолиб кетамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Президентимиз тумандаги базальт тошини қайта ишлаб, базальт толаси ва арматураси ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган "Mega Invest Industrial" қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

2017 йил декабрда иш бошлаган корхона фаолияти 3 босқичда йўлга қўйилди. Айни пайтда биринчи ва иккинчи босқичлар ишга туширилган. Бунинг учун Буюк Британиянинг "Leigh Barrie" компаниясининг 11 миллион доллар ҳамда тижорат банкининг 26 миллион доллар кредит маблағи йўналтирилди. Германия, Франция, Италия, Россия, Туркия каби давлатлардан замонавий ноу-хау технологиялари келтириб ўрнатилди. Натижада 225 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. 2018 йилда бу ерда минг тонна базальт арматураси ва септалар ишлаб чиқарилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаш бошлагач, йилга 4 минг тонна базальт толаси ва 4800 тонна арматура тайёрланади.

Базальт арматурасининг металл арматурадан фарқи шундаки, у 8 баробар энгил, 3 баробар мустаҳкам, зангламайди, ўзидан электр токини ўтказмайди. Шунингдек, металл арматурадан 30 фоиз арзон ҳамда 100 йилгача ўз хусусиятини йўқотмайди. У минтақамизда ягона ва МДҲ давлатларида иккинчи шундай корхонадир.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш, таннархини камайтириш, ҳажмини кўпайтириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимиз куннинг иккинчи ярмида Мирзачўл туманига келди.

Шавкат Мирзиёев Мирзачўл тумани Ғалаба маҳалласида "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ИСЛОМ КАРИМОВ ХАЛҚИМИЗ ХОТИРАСИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

### Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таваллуд куни муносабати билан хотира тадбирлари ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳридаги Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди эди. У мамлакатимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган давлатни қайта тиклади. Оғир қийинчилик ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаб, мамлакатимизни изчил ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Биринчи Президентимиз ўзининг серкира сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда Ислам Каримов хотирасига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги қўчаларга Ислам Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида буюк Йўлбошимизнинг ҳайкаллари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан, 2018 йилда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Биринчи Президентимиз дафн қилинган Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида улугвор макбара бунёд этилди. Бу

ёдгорлик юртдошларимиз қадами узилмайдиган муқаддас зиёратгоҳга, ёшлар учун катта тарбия масканига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу кунни Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюриб, ушбу макбарани зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуасини сақлаш, атрофини ободонлаштириш, зиёратчиларга қўшимча қулайликлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

Самарқанд Ислам Каримов ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Биринчи Президентимиз ушбу қадимий шаҳарда туғилган, унинг хар томонлама ривожланишига катта эътибор қаратган. Соҳибқирон Амир Темура таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан бу ерда қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. 2007 йилда ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланган. Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий макбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий қадимжолар обод қилинган. Ўнлаб замонавий иншоотлар, хиёбонлар, фавворалар барпо этилган.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибори билан бунёд этилган Ислам Каримов макбараси ва ҳайкали Самарқандда яна шу обод маканлар қаторига қутлуг қадамжол бўлиб қўшилди.

Шу кунни Самарқанд вилояти маъмурачиси Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислам Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошимиз ҳайкали пойига гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

Ў.А.

## БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИЛҒОР ТАКЛИФЛАР, ИННОВАЦИОН ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР МАМЛАКАТИ

2018 йил билан хайрлашдик. Ундан бизга аjoyиб хотиралар, унутилмас воқеалар эсдалик бўлиб қолди. Янги йил — ҳамisha умидбахш, янги орзу-умидлар, хуш ниятлар инъом этади. Рухимизга ҳаловат, интилишларимизга ғайрат-шижоат бағишлайди. Январ ҳижрий-шамсий тақвимида кўра, жадий ойи. Айни пайтда эса давл ойи давом этмоқда. Ота-боболаримиз "Давл кирди — давр кирди" деб бежиз айтишмаган. Чунки бу ой киши билан кўламини боғлайди. Демакки, куёшли кунларимиз янада узаяди. Бу, миришкорларимиз таъбири билан айтганда, кўп-барака нишонасидир.

**Нигоҳ**

Илгари оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизни учур локомотивга ўхшатишни яхши кўришарди. Энди бўлса, янгилашган Ўзбекистонни кўпроқ замонавий автомобилга қиёслашмоқда. У оғир ва улкан эмас, балки энгил, ихчам ҳамда ҳаракатчан замонавий автомобиль. Шовқинсиз, аммо қудратли — ақл-заковат билан курулганган, пухта ўйланган шакл ва тузилишга эга, ташқи қиёфаси ҳам ўзига тортади. Бу машина тез ўт олади, мотори ҳаракатга келтирилган ва йўналиши белгилан-

**Ўн беш йилдан кейин...**

Айтинг-чи, муваффақиятли корхонанинг инқирозга юз тутган корхонадан фарқи нимада? Бошқарув соҳасининг билимдонлари бунда иккита ҳал қилувчи омил борлигини илгари сурадилар. У ҳам бўлса

режалаштириш маҳорати ва белгиланган вазиёфани вақтида амалга ошириш. Кўринадикки, воқеаларнинг келгуси ривожини башорат қила олиш, бу — изчил иш юритиб, натижадорликка эришиш қўбилигидан дарак беради. Ахир иш берувчи янги ходимни корхонасига қабул қилаётганда, унга: "Беш йил, ўн йилдан кейин ўзингизни ким сифатида тасаввур қиласиз?" деган саволни бежиз бермайди. Жавобга қараб, ҳулоса қилинади.



## МЎЙНОҚ «САҲРО МАРВАРИДИ»ГА АЙЛАНДИ

Бугун Мўйноқ янгилашлар оstonасида турибди. У ўзгармоқда, янгилашяпти, яшармоқда. Сунгги икки йилда ушбу туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу ердаги одамлар ҳаёт тарзини яхшилаш, иш ўринлари яратиш борасида қатор сайё-ҳаракатлар амалга оширилди. Биргина ўтган йили айни мақсадлар учун ҳудудда 12 миллиард сўмлик инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилиши фикримиз тасдиғидир.



Туман табиий ресурсларга бой. У географик жойлашуви, ўзига хос туризм салоҳияти, маданий мерос объектлари ва катта меҳнат захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги кунда ҳудудда 30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Лекин шу билан бирга, Мўйноқнинг бошқа туманларга ўхшамаган Орол ден-

гизи билан боғлиқ ўз "дарди" ҳам бор. Чунки денгизнинг чекиниши мўйноқликлар учун кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Шунга қарамадан, маҳаллий аҳоли қийинчиликларни маънавий билан энгил, тумани "сахро марвариди"га айлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.



## Бунёдкорлик ГИДРОЭНЕРГЕТИКАДА КИЧИК ИМКОНИЯТДАН ЮҚОРИ САМАРА

Айни пайтда Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган "Туябўғиз" сув омбори қошидаги кичик гидроэлектр станцияси курилиши аяқунлиб, асосий агрегатлар ва технологик курилмаларни ўрнатиш тадбирлари жадал олиб борилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилиши кутилаётган мазкур янги қувват "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилгача барпо этиладиغان 42 та кичик ГЭСнинг дастлабқисидир.

Ортимизда энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш истиқболли ниҳоятда юқори. Айниқса, экологик тоза ва арзон электр энергияси ишлаб чиқариш учун табиий имкониятлар етарли.

Мисол учун, Тошкент вилоятидаги сизими 250 мил-



# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чўлда жойлашган ушбу туман узоқ йиллар эътибордан четда қолиб кетган эди. Инфратузилма объектлари эскириб, одамлар турмушида кийинчилар юзага келганди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Обод қишлоқ" дастури қабул қилинганча, кўплаб худудлар сингари Галаба маҳалласи ҳам том маънода обод бўлди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилди, йўл бўйлари ва майдонлар ободонлаштирилди. Бугун бу жойлар янги қиёфа касб этган.

Президентимиз худуддаги "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси" масъулияти чекланган жамиятга бўлди.

Маҳалла худудидида дастур доирасида собиқ пахта тозалаш корхонасининг бўш турган биноси реконструкция қилиниб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 3 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Эски уйлардан замонавий уйларга кўчиб чиққан оилалар уй беконлари ва касб-хунар коллежаларини битирган қизлар "Тадбиркор аёл" уюшмаси кўмагида тикувчилик касбига қайта тайёрланиб, иш билан таъминланди.

Жамоа "Ўзбекпахтасаноат" тизимидаги ва бошқа корхоналарга шартнома асосида махсус кийимлар тикиб бераётди. Айни пайтда корхонада эркаклар ва аёллар учун жинси матосидан кийим-кечак ҳам тикилмоқда.

Мирзачўлни янада обод қилишга доир ишларни бундан кейин ҳам тизимли давом эттирамиз. Мақсадимиз одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Галаба маҳалласи Бароқат кўчасида яшовчи Мақсуд Мисиров хонадониди бўлди. Хонадон эгаларини янги уй билан табриқлади. Қайд этди керакки, М. Мисировнинг турмуш ўртоғи Маърифат Хайдарова ва қизи Мохинур Меликулова

"Мирзачўл тикувчилик мажмуаси"да меҳнат қилади. Улар яратилган замонавий шароитлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл туманидаги Ўзбек — қозоқ миллий маданий маркази фаолияти билан танишди.

Мирзачўлда яшаётган қозоқ миллатига мансуб юртдошларимизнинг урф-одат ва анъаналарини асраши ва ривожлантириши учун зарур шароит яратилган. Хусусан, бу ерда Қозоқ миллий театри ташкил этилган. Яқинда театр биноси реконструкция қилиниб, кўркам иншоотга айлантирилди. Миллий чолғучилик, ашула, рақс, тасвирий санъат каби тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек — қозоқ миллий маданий марказининг ташкил этилгани халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин ифодасидир. Марказда маданий алоқаларни кучайтириш, ёшларни байналмилал дўстлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент мазкур театрнинг қайта тикланиши ва Ўзбек — қозоқ миллий маданий марказининг ташкил этилиши қардош халқларимиз ҳамжихатлигида муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Бу маскан худуддаги иқодий, маърифий ташкилотларни, зиёлиларни, ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириши зарурлигини қайд этди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари санъатидан намуналар ижро этилди. Шавкат Мирзиёев Мирзачўл туманидаги "Бинафша" давлат мактабга таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди.

2018 йилда "Обод қишлоқ" дастури асосида капитал таъмирланган боғча 280 ўринга мўлжалланган. Бу ерда болажонларнинг замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди. Машғулот хоналари болаларни мактабга тайёрлашдаги энг илғор методикалар асосида замонавий инвентарлар билан жиҳозланган. Кичик

спорт ва ўйин майдончаси қурилган. Турли интерфаол ўйинлар, ақлни чархлашга кўмаклашувчи жиҳозлар болаларда дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Мактабга таълим тизимини ривожлантириш, фарзандларимизга яхши тарбия бериш доимий эътиборимизда бўлади. Боғчага борган боланинг соғлиги мустаҳкам, дунёқараши кенг, ўзига ишончи юқори бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, давлат ва хусусий боғчалар ташкил этиш орқали болалар қаровини кўпайтириш, шу билан бирга, таълим-тарбия сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникани кўздан кечирди.

Айтиш керакки, мазкур тиббиёт муассасаси мамлакатимизда намунали кўп тармоқли марказий поликлиника сифатида иш бошлаган.

1976 йилда қурилган бу поликлиника биноси шу кунга қадар капитал таъмирланмаган эди. "Обод қишлоқ" дастури асосида муассаса учун янги бино қурилди. 250 қатновга мўлжалланган поликлиникада 100 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган поликлиникада жарроҳ, педиатр, УТТ шифокори, стоматолог, терапевт, ЛОР, офтальмолог, травматолог, невропатолог, психиатр каби мутахассислар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Кўп тармоқли марказий поликлиника "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида велоэргометр, гастродиброскоп, рақамли рентген, УТТ аппарати, биохимик анализатор, автокачча, центрифуга, ЭКГ, стоматологик жамланма, аудометр, автарефтометр каби тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Янги бинода аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида электрон рўйхатга олиш

тизими жорий қилинди. Аёллар маслаҳатхонаси, кундузги стационар, ижтимоий дорихона фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз поликлиникадаги шароитларни кўздан кечирар экан, аҳолини касалликлар профилактикаси билан тўлиқ қамраб олиш, одамлар бошқа жойга даво излаб бориб овора бўлмаслиги кераклигини таъкидлади. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шифокорлар малакасини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари янги қурилган Мирзачўл тумани Давлат хизматлари марказида бўлди.

Бундан тўққиз ой олдин мазкур марказ ўрни ташландиқ жой бўлган, ўтган қисқа вақтда замонавий марказ биноси қад ростлади, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига 5 миллиард 740 миллион сўм маблағ сарфланди.

Марказ бир кунда 200 — 250 мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Эндиликда бу ерда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, нотариус, ФХДЕ бўлими, паспорт бериш ва алмаштириш каби 103 хизмат тури кўрсатилади. Шунингдек, марказда кутубхона, никоҳдан ўтувчилар учун тантанали зал, инвесторлар хонаси ташкил қилинган, бундан ташқари, ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун энг сўнгги ускуналар билан жиҳозланган.

"Фуқаролар эмас, ҳўжатлар ҳаракатланади" тамойилига мувофиқ, янги тизим Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоясини сўзсиз амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат хизматлари фаолиятининг йўлга қўйилиши фуқароларнинг ҳам вақти, ҳам маблағини тежашга хизмат қилади. Аҳоли томонидан қилинаётган ҳар бир муносабат эътиборда бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Мирзачўл текс" МЧЖ фаолияти билан танишди.

Корхона фаолияти уч босқичли лойиҳа асосида йўлга қўйилди. Биринчи босқич

2018 йил декабрь ойда ишга туширилган. Хитой, Туркиядан 100 данга зиёд дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда импорт ўрнини босувчи экспортбоп махсулотлар, хусусан, жинси шимлар тикилмоқда. 70 дан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланган.

Лойиҳанинг 2-босқичида жинси мато тўқши йўлга қўйилди ва 240 иш ўрни яратилди. 3-босқичда калава ип йиғирув амалиёти ишга туширилади. 2021 йилгача корхона тўлиқ қувват билан ишлаши кутилмоқда. Бу туманда 800 га яқин иш ўринлари яратиш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев корхона фаолиятига доир зарур кўрсатмаларни берди. Хотин-қизларни иш билан таъминлашга доимий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзидида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Хусусан, мамлакатимизнинг Россия Федерацияси, Франция ва Беларусь Республикаларидаги элчихоналари томонидан вилоятга жалб қилинган инвестициялар тақдимоти ўтказилди, шунингдек, Жанубий Корея, Туркия, Хиндистон, Хитой каби давлатлардан келган инвесторлар ўз лойиҳалари ҳақида давлатимиз раҳбарига сўзлаб берди.

Тақдимотга қўра, россиялик инвесторлар ёритиш ускуналари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги замонавий технологияларни жорий этиш, франциялик ишбилармонлар эса архитектура ойналари ишлаб чиқариш, мевани қайта ишлашга қизиқиш билдирмоқда. Шунингдек, Францияга анор, ковуш, қизилмия илдизини экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташири давом этмоқда.

Умар АСРОРОВ, Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Улуғбек АСРОРОВ, ЎЗА махсус муҳбирлари.

# БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИЛҒОР ТАКЛИФЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР МАМЛАКАТИ



Бинобарин, мамлакатимиз учун энг сезиларли янгиликлардан бири ўзгаришларга мослашувчан, дастурий ва мақсадли режалаштириш жараёни бўлди. Бунинг асоси қарда, деб қизиқ-яқсизми, марҳамат: "Шавкат Мирзиёевнинг сайловдиди дастури — 2021 йилгача мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси"га эътибор қаратинг. Дастлабки "Йўл харитаси" одамларнинг орозу-умидларини акс эттирсин, иккинчиси давлат ва халқ бирлигининг инъикоси сифатида ўз ифодасини топди.

Шундай экан, давоми ҳам жуда изчил ва мантиқий бўлиши тайин. Чунки Ўзбекистонни 2035 йилгача узоқ муддатли ривожлантириш Стратегияси Концепциясининг лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Уни ишлаб чиқишда анча кенг доирадаги муаллифлар иштирок этишди, яъни дунёнинг турли бурчакларидаги олимлар ва экспертларнинг қарашлари, тақлифлари, фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Ўзбекистон — 2035 дастурини рўёбга чиқаришга киришганимизга қадар унинг учун пойдевор тайёр бўлади. Бу вазифани бажаришда айнан бугунги кунда амалга оширилаётган ҳамда иқтисодийнинг очиклиги, инвестициялар қафолатлангани ва сиёсий тизим шифофлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар муҳим ўрин тутди.

## Олтидан ҳам қиммат

Ҳозирги замонда нимани энг қимматбахў капитал, деб аташ мумкин? Нима олтин ёки олмосдан ҳам, ноёб қазилма бойликлардан ҳам қиммат? Ғоялар. Илғор ғоялар. Ҳар қандай жараёнинг ўзаги бўлиши ғоя — бугун энг бебаҳо ва энг катта талабга эга товар. Кўп ҳақ тўланадиган, инсониятни тараққиёт сари етакловчи креатив, новаторлик ғоялари тараққиётнинг энг муҳим етакловчи кучига айланади.

Кимматбахў товар бор экан, демак, уни айирбошлаш учун имконият ҳам етарли даражада мавжуд. Маълум бир ғояларни кучайтириш ва тарқатиш, бошқаларини эса қабул қилиб, амалиётга жорий этиш жараёни тарихда ҳамини давом этган. Ғоялар технологияларни яратишга асос бўлган, улар муайян худудда пайдо бўлиб, кейин бошқа худудларга тарқалган. Тошга сайқал бериб, гўзал буюм тайёрлаш, металл эритиш, турли рамзлар ва алифбо яратиш, тақвим тузиш, ҳарбий ёки сиёсий назария, қисқаси, санайверсак адоғи йўқ бундай ихтиролар инсон тафаккурининг ҳосиласи сифатида юзага келиб, кейинчалик ҳаётини воқеликка айланган. Бундай кўп босқичли айирбошлаш жараёнини ғоялар ташуви, ғоялар ҳаракати, деб аташ мумкин. Бу жараёнинг аҳамияти шунчалик улканки, уни мўқясса қилиш мушкул.

Энди замонавий Ўзбекистон ғоялар учоғи ёки ғоялар ташуви учун қулай марказга айланиш сари қадим қўётгани ҳақида бир қадар сўз юратайлик.

тон ва Германияда ўтказган олий даражадаги учрашувларини эслаш қиёфаси. Улар юқоридида келтирилган мушоҳадаларимиз хусусида тўлиқ тасаввур беради.

Масалан, Ҳиндистонда бизни нима қизиқтиради? Санайимиз: бир — технопарклар ташкил этиш ва ривожлантириш тажрибаси, икки — электрон ҳўкумат соҳасида ҳамкорлик, уч — тинч космосни тадқиқ қилиш, тўрт — етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очиб, беш — энг илғор ишлаб чиқариш корхоналари жойлашадиган қўшма инвестицион зоналарни қуриш. Ҳинд томони ҳам зиён кўрмайди, балки аксинча: "The Economic Times" номли йирик иқтисодий газетанинг шарҳловчилари фикрига қўра, Ҳиндистон учун Ўзбекистон Марказий Осиё сари дарвоза бўлиб хизмат қилади. Демак, Ҳиндлар бизга ишониб, инвестиция киритар экан, мамлакатимиз орқали бутун бир минтақанинг катта бозорига чиқишни кўзлаяпти.

Европада иқтисодий ва технологик жиҳатдан байроқдор ҳисобланувчи Германияга қилинган таширф ҳам шундай муҳим натижаларга олиб келди. Президентимиз учрашган компаниялар мутасаддиларини санаб ўтишнинг ўзиёқ бу ҳақда тасаввур уйғотади. Ахир "Сименс", "ТиссенКрупп", "Фольксваген", "Кнауф", "Клаас", "МАН" деган брендлар нафақат "кўҳна китъа"да, балки жаҳон бозоридида етакчи экани барчага маълум-ку. Шубҳасиз, уларнинг муваффақияти илғор фан ва индустрияга асосланади. Бундай технологик ҳазина биз учун жуда фойдали. Худди Германия учун Ўзбекистоннинг замонавий таҳдидларга қарши кураш бўйича тажрибаси ва Афғонистонда тинчлик ўрна-

билим, ноу-хауларини Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳаси интиқлик билан кутяпти. Қанча кўп билимли бўлсак, шунча кудратли бўламиз.

## Ғарбда изчиллик, Шарқда омилкорлик

Илмий фикр ҳамда технологиялар алмашинувида давлатимиз ёшларга алоҳида умид боғлаётгани бежиз эмас. Ғоялар ташуви жараёни ўз тарихий илдизига, моҳиятига эга. Бир неча юз йиллар муқаддам Германиянинг фаҳри — Гёте ўз асарларида Самарқанд ва Бухорони тилга олиб, Шарққа мафтун бўлганини эслайди. Адабиётшуносларнинг ёзишича, у Курьёнинг мазмуни, равонлиги ва жарангидан ҳайратда қолган, ўз



лаштириш натижалари эса бугун барчага маълум. Ҳеч шубҳа йўқки, мамлакатимиз етакчилиги томонидан илғори сурилиб, Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган "Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши" деган ғоя минтақамиз тақдирини шунга ўхшаш аҳамият касб этади. Бу ғоянинг рўёбга чиқиш суръатини кўзатар эканми, бир неча ўн йиллар куттишга ҳожат йўқ эканига яна бир бор амин бўламиз.

Деярли бир йил муқаддам ўзаро ишончга асосланган мулоқот учун шароит яратилди. Яъни ўтган баҳорда минтақа мамлакатлари етакчиларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Қозғонотнинг Президенти Нурсултон Назарбаевнинг айтишича, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатларининг барча соҳадаги ҳамкорлигида муҳим ўрин тутди.

Ушбу мақсадлар ўзининг ҳаётини ифодасини топди.

Мазкур жараёнда яна бир таниқли арбоб Уинстон Черчилль 1946 йили ўзининг "Европа фожиаси" деган нутқиди европаликларни миллий низоларни тўхтатишга, унинг ўрнига жаҳон урушидан кейин тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишга чорлади. Салкам уч йил ўтиб, Европа Кенгаши тузилди. Унинг фаолияти иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, маданият, қўнунчилик, фан ва



Тажирини мисол. Тожикистон Президенти 2018 йил якунларини сарҳисоб қилар экан, Ўзбекистон билан Стратегик шериклик ва муносабатларни ривожлантириш ҳақидаги шартнома имзоланганини тарихий воқеа, деб атади. Ва рақамларни ҳам келтирди, яъни қисқа вақт ичида ҳар икки томондан 2,5 миллиондан зиёд фуқаролар борди-келди қайт этилган.

Экспертлар яна бошқа воқеага ҳам эътибор қаратдилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хабар берганидек, Душанбеда ҳар икки мамлакатнинг ўзбек — тожик чегарасини демаркация қилиш бўйича делегациялари навбатдаги учрашуви якунландилар. Натижада меъерий-техник ҳўжатлар лойиҳаси тайёрландики, улар асосида энди томонлар Давлат чегараси чизигини аниқлаштириш бўйича демаркация ишларини бажариш учун музокарага киришдилар.

Ғоя кимдир, албатта, "бош ролни ўйнайдиган" қандайдир сунъий бир-лашманни тузишни кўзда тутмайди, фақат муносабатларни оидинлаштирилади: минтақамиз улкан салоҳиятга эга эканими, биз ундан халқларимиз манфаатлари йўлида фойдаланишимиз лозимлигини англайди. Экспертлар баҳолашча, Марказий Осиё давлатлари иқтисодийнинг турли тармоқларидида ҳамкорликни кенгайтирадиган бўлса, яқин 10 йил ичида минтақа ялпи ички махсулоти камида икки ба-



— Айни вақтда кузатаётганимиз иқтисодий жиҳатдан ўта ижобий воқеа, негаки, чегарани демаркация ва делимитация қилишга бўлган ҳаракат чегараолди худудиди ҳамкорликни кучайтириш учун имкониятни кенгайтиради, — дейди МДҲ мамлакатлари институтининг Марказий Осиё бўлими раҳбари Андрей Грозин "Sputnik" ахборот агентлигига берган интервьюсида. — Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега таширфидан сўнг иқтисодий алоқаларни яхшилаш борасида ўсиш кузатилади. Ваҳошонки, икки йил олдин ҳамкорлик умуман йўқ эди, деса ҳам бўлади. Тожик — ўзбек ташқи савдо айланмаси, бор-йўғи, бир неча миллион долларни ташкил этган. Шу рақамларнинг ўзиёқ ҳамкорлик ўшанда амалда музлатилганидан дарак беради.

А. Грозиннинг фикрича, бундан икки йил илгари шундай қисқа муддатда мамлакатлар ўртасида илқилқ пайдо бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди. Россия стратегик тадқиқотлар институти эксперти Дмитрий Попов ҳам ўз ҳаммаси билан бир хил фикрда. Яъни у Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон барча қўшни республикалар билан келишмовчиликларни тартибга солишдек аниқ вазифани ўз олдига қўйди ва изчил бажариб келмоқда, деб ҳисоблайди.

Кустанайдан Термизгача, Туркманбошидан Ирқиштомгача ягона тинч-тотув макон яратиш ғояси барча мамлакатларнинг манфаатига мос. Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб илғори сурилган, Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиёт учун ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ғоя бугун сайёрамиз бўйлаб қанот ёзди ва ўтган йили Ўзбекистонга келиб акс садо берди. Бу акс садо қабул қилинган резолюциядир.

Тўғри, ҳар қайси мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қандайдир муаммолар ечилмай қолиши мумкин ва бунга экспертлар ҳам инкор қилишмайди. Лекин бугун Ўзбекистонда янгича фикр ва ташаббус бор, улар ҳатто энг ўткир ихтилофни ҳам хал этишга қодир.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқро микёсадаги ғоялар алмашинуви жараёни давом этади. Яқинда хабар берилганидек, Президентимиз бир йилга мўлжалланган ўнлаб хоржий таширфиларни режалаштирган. Улар орасидан Бельгия, Швейцария, Канада, Япония, Болгария ва Беларусь ўрин олган. Демак, янги технологиялар, фойдали фикрлар, бунёдкорлик ғоялари бундан кейин ҳам айирбошланаверади.

Муҳими, замонавий Ўзбекистон дунёга оз очди. Шунчаки ўзини кўз-кўз қилмасдан, аниқ-пуқта ҳамкорлик ва шериклик тақлифлари, дўстона муносабатларни юксак даражага кўтарган ташаббуслари, ўзаро муносабатлари билан фаол инвестициявий майдонда биргаликда самарали ҳаракатланишга чакирмоқда.

Зеро, меҳмондўст, олижаноб, меҳнаткаш ўзбек халқи, унинг креатив давлат раҳбари, оқил, ишбилармон тадбиркорлари ютуқ ҳамда муваффақиятларнинг мустаҳкам қўрғонлари, десак, асло муболага эмас.

Ўткир РАҲМАТ.

# МУАЛЛИМЛАР ДЕПУТАТДАН КЎМАК СЎРАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш. Тўхтабоевнинг Наманган тумани сайловчилари билан дастлабки учрашуви Қумқўрғон маҳалласида ташкил этилди. Депутат охириги пайтларда қабул қилинган қонунлар моҳияти ҳақида бу ерда тўлланган юз нафардан зиёд сайловчиларга сўзлаб берди.

## Халқ вакиллари — туманларда

Айтиш лозимки, жойлардаги бу каби учрашувлар халқнинг ўз вакилига ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки сайловлар томонидан ўртага қўйилган масалалар бўйича тегишли идораларга киритилган депутатлик сўровлари орқали мавжуд муаммоларга ечим топиляпти. Мисол учун, Эшбод маҳалласини кесиб ўтган «Андижон — Наманган» автомобиль йўлининг 1-умумтаълим мактаби рўпарасидан ўтган қисмида светофор ўрнатилмасалари бир неча йилдан буюн ҳал қилинмай келаятган эди. Депутат бу ишга бош қўшиб, транспорт воситалари ва йўловчилар, айниқса, болаларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлашдан замонвий восита ўрнатилишига ҳисса қўшди.

Ва қандай фойдалана олиши ҳақидаги муқим тартиб-қоидалардан халқига хабаримиз йўқ. Парламентдаги вакилимиздан бу ҳақда батафсил билишни истардик.

Депутат мазкур саволга илк жавобни қайтарар экан, яқин вақт ичида бу масалада аниқ маълумот беришга ваъда қилди. Хонобод маҳалласидаги мулоқот чоғида эса фаолият тугатилган Наманган санат касб-хунар коллежи муаллимлари бўшаб қолаётган бино негизда худуддаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини касбга тайёрлаш муассасасини ташкил этиш масаласида ёрдам кўрсатишни сўради.

Қишлоқ ва маҳаллардаги учрашувлар доирасида худудлардаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, тиббиёт муассасалари жамоалари билан мулоқотда қўйилган саволларга ҳам тегишли жавоб қайтарилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ГИДРОЭНЕРГЕТИКАДА КИЧИК ИМКОНИАТДАН ЮҚОРИ САМАРА



Эндликда 27,5 куб метр/сония тезликда оқувчи бу ресурсдан янада самарали фойдаланиб, арзон электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўляпти.

250 нафарга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган ГЭС лойиҳавий қиймати 16,3 миллион АҚШ долларига тенг. Шунинг қарийб ярми чет эл инвестицияси ҳисобига молиялаштирилган бўлса, қолган қисми «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан қопланмоқда.

— Иншоот қурилишига 2017 йил июнь ойида киришилган эди, — дейди мазкур кичик ГЭС раҳбари Дилмурод Рўзиев. — У «Гидропроект» акциядорлик жамияти тайёрлаган лойиҳа асосида «To'ralang Hrd irrigation systems» унитар корхонаси томонидан белгиланган муддатларда бунёд этилмоқда. ГЭСнинг ўрнатилган қуввати 11,4 МВтни ташкил этади. Бу соатига 11 минг 924 кВт электр энергияси ишлаб чиқарилади, деганидир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, мазкур иншоот сув омборининг ирригация йўналишидаги фаолиятига умуман таъсир кўрсатмайди. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун аввалгидан кам бўлмаган микдорда обиҳаёт етказиб берилди. Мазкур сув ҳажми бир вақтнинг ўзида ГЭСнинг тўлиқ қувватда ишлашни таъминлайди.

Сувнинг юқори босими 32,8 метр бўлиб, омбор билан ГЭСни умумий узунлиги 120 метрни ташкил этадиган иккита қувур бог-

лайди. Мазкур қувурлар ҳамда сувни ўтказишга мўлжалланган бошқа гидротехника иншоотлари тўлиқ қуриб битказилган.

— Ҳеч бир гидролоийҳа бошқасига ўхшамайди, — дейди «Гидропроект» акциядорлик жамияти директор ўринбосари Сафар Холмўминов. — Улар жойлашуви, сувнинг микдори ва бошқа омилларга қараб тубдан фарқланади. Бу кичик ГЭС Хитой технологияси асосида жиҳозланмоқда. Мазкур ускуналарнинг ишлаш муддати камида 25 йилни ташкил этади. Янги объектнинг ўрнатилган қуввати сув микдорига қараб, ўзгариб туриши мумкин. Шундай бўлса-да, у яқин худуддаги иккита туман аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳати, ГЭС фойдаланишга топширилиши билан 20 дан ортиқ доимий иш ўринлари яратилади.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ таъсир ҳодимларининг таъкидлашича, ҳозирги пайтда ушбу лойиҳадан ташқари, Катта Фарғона канали, Тўпаланг дарёсида «Заржоб-1» ва «Заржоб-2» кичик ГЭСлар каскади ҳамда бошқа иншоотлар қурилишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад 2025 йилгача республикамизнинг экологик тоза бўлган гидроэнергия ишлаб чиқариш қувватларини 1,7 баробар оширишидир.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# МЎЙНОҚ «САҲРО МАРВАРИДИ»ГА АЙЛАНАДИ

Бундай фидойи одамларга зарур шароит яратиб бериш эса хар биримизнинг бурчимизга айланмоғи даркор.

Шу боис давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг ноябрь ойида Мўйноққа ташири чоғида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қўшимча сармоялар киритиш, келгуси икки йилда замонавий шаҳарсозликдаги барча янгилари жорий қилиш орқали ушбу масканда янги шаҳарча барпо этиш, намунавий инфратузилма яратиш бўйича топшириқ берди. Жорий йилнинг 16 январиди эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Пи-

рорвардида бу йилдан бошлаб, ушбу мақсаддаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда.

Хужжатга асосан, Мўйноқ туманининг географик жойлашуви ва табиий иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, инновациялар, технологиялар ва инвестициялар марказига айлантиришни назарда тутувчи, барча зарурий инфратузилмага, шу жумладан, инновацион мактаб, спорт объектлари, даволлаш-профилактика муассасалари, замонавий аэропорт, меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар дам олиш марказлари, «селфи объект»лари, оптик толали интернет тармоғи, IP-телевидениега эга бўлган шаҳарча бунёд этилади.

Қарор билан, шунингдек, «2019 — 2021 йилларда Қора-

қалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш» Дастури ҳам тасдиқланди. Унда болалар богчалари, умумтаълим мактаблари, спорт иншоотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият объектларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, йўл-транспорт инфратузилмаси-

ни, аҳолининг яшаш шароити ва сифатини яхшилаш мақсадида муҳандислик-коммуникация тизимини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, тураржойлар қуриш бўйича кенг қамровли ишлар кўзда тутилган.

Қарор асосида шу вақт мо-

риш Давлат дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда тизимли назоратни таъминлаш Республика комиссиясига юклатилди.

Мўйноқни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга қаратилган инвестициявий лойиҳалар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирлик ва идоралар, хусусан, Буроқ прокуратура зарур чораларни кўради.

Манзилли рўйхатда назарда тутилган санат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун тижорат банклари кредитлари бўйича фойзли ха-

ражатларнинг бир қисми Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан белгиланган тартибда компенсация қилиб берилди. Бунинг учун жамғармага Давлат бюджетнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш эса 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожланти-

раш ҳамда тизимли назоратни таъминлаш Республика комиссиясига юклатилди.

Мўйноқни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Мўйноқ туманини ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мўйноқни ривожлантиришга масъул вазирлик ва идоралар тизимли равишда тегишли ишларни бажариб боришади. Масалан, Иқтисодийёт ва санат вазирлиги, «Ўзметкомбинат», «Ўзқурилишматериаллари» ҳамда «Ўзбекнефтемақсудол» акциядорлик жамиятлари қурилиш объектлари учун ўртача биржа котировка нархларида тўғридан-тўғри шартномаларга мувофиқ, металл прокати, цемент, қурилишбоп ойна ва ёниглимоллаш материаллари етказиб беради. «Ўзбекэнерго» ҳамда «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятлари аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан узулуксиз таъминлайди, дастур ҳамда манзилли рўйхат доирасидаги объектлар учун муҳан-

## Икки йилда қарийб 27 триллион сўмлик 75 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Шундан:

- ✓ 33 таси санат;
- ✓ 34 таси хизмат кўрсатиш;
- ✓ 8 таси қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишлидир.

Натижада 1 минг 700 кишининг бандлиги таъминланади.

байнида туманда санат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилади- ган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати ҳам тасдиқланди.

Дастур ва манзилли рўйхатда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш эса 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожланти-

## Икки йилда қарийб 27 триллион сўмлик 75 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Шундан:

- ✓ 33 таси санат;
- ✓ 34 таси хизмат кўрсатиш;
- ✓ 8 таси қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишлидир.

Натижада 1 минг 700 кишининг бандлиги таъминланади.

ражатларнинг бир қисми Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан белгиланган тартибда компенсация қилиб берилди. Бунинг учун жамғармага Давлат бюджетнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш эса 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожланти-

раш ҳамда тизимли назоратни таъминлаш Республика комиссиясига юклатилди.

## «Халқ сўзи» назоратида

# ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА...

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 23 январь сонидида «Давлат раҳбари топшириғи нега бажарилмади?» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Унга Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Аму-Сурхон ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Т. Алимов имзоси билан жавоб хати олди.

Мақолада кўтарилган масалага масъул мутасаддиларнинг тезкорлик билан муносабат билдиргани қувонarli хол, албатта. Бирок унда на мақола муаллифи қўйган саволларга, на жамоатчиликни қизиқтираётган масалаларга жавоб бор...

Жавоб хатида мақолада қайд этилган рақамлар келтирилиб, иншоот қурилиши 2019 йил якунига қадар тугатилди, дейилади пиарвардида. Президентимиз топшириғи билан Бойсун туманида барпо этилаётган «Хангаронсой» сел сув омбори нега белгиланган муддатда битказилмагани, нима сабабдан қурилиш ишлари сусайиб кетгани, иш нима учун пайсалга солинаётганига эса ҳеч қандай изоҳ берилмаган.

Афтидан, хат шунчаки расмиятчилик учун жўнатилганга ўхшайди. Хуллас, донолар «Гапни гапир уққанга...» дея бежиз айтишмаган экан. Уйлаймизки, мутасаддилар мақолада кўтарилган масалани яна бир бор атрофлича ўрганиб, унга батафсил жавоб беришади.

## ЭЪЛОНЛАР

### «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буям ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) иштирокчилари ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан 2018 йил 27 декабрда Жиззах шаҳрида ўтказилган «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буям ютуқли лотерея билетлари соҳибларини банк филиалларига мурожаат қилишлари ҳамда ўз ютуқларини расмийлаштиришлари сўралади.

Ютуқли лотерея билетлари 2019 йилнинг 30 апрелига қадар тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг ютуқли билетлар ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Шошилинг! Ютуқларингизни ўз вақтида олишни унутманг!

Лотерея ташкилотчиси. Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ХАВЗА БОШҚАРМАСИ. «Халқ сўзи» газетасининг 2019 йил 23 январдаги «Давлат раҳбари топшириғи нега бажарилмади?» мақоласида Президентимиз ўтган йил январ ойида Сурхондарё вилоятига ташири чоғида Бойсун туманидаги сизим 6,1 миллион куб метр бўлган «Хангаронсой» сел сув омбори қурилишини 2018 йил якунига бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2018 йил учун ажратилган 11 миллиард сўм маблағ ишлатилган. 2019 йилга қадар маблағ ажратилган қадар тугатилган.

## Тақдимот

Дунёда мактаб ўқувчилари орасида зўравонлик ҳолатлари юз бераётгани ҳақида интернет саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда кўп ўқиганмиз. Бирок афсуски, бундай салбий жараёнлар юртимизда ҳам кузатилаётгани бор гап.

# Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган лойиҳа

Президентимизнинг 2018 йил 2 июлдаги «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳоли, айниқса, ёшларнинг бахтли ҳаётига раҳна соландиган бундай муаммоларни ўз вақтида бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу хужжат ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Жумладан, вазирлик ташаббуси билан татбиқ этилаётган Мактабларда зўравонликнинг олдини олиш ва ижобий психологияни ўқитиш методикаси лойиҳаси таълим муассасаларида болаларнинг эмоционал ҳолатини аниқлаш, педагог ва психологларнинг эмоционал муваффақиятли амалга олишга хизмат қилади.

Мазкур лойиҳа тақдимотида бағишлаб ўтказилган тадбирда вазирлик томонидан тақдиф этилган АҚШлик психолог Лори Вульф, мактабларда ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, журналистлар қатнашди.

— Мурақаб вазиятга тушиб қолган инсонни, айниқса, зўравонликдан жабр чеккан кишини яна соғлом жамиятга мослаштириш, унга тўғри йўл кўрсатиш юксак билим ва малака талаб этади, — дейди Анока Рамсей институту профессори Л. Вульф. — Шунингдек, мамлакатингиз таълим муассасаларида жорий қилинаётган ушбу лойиҳамиз, аввало, болалар тақдирига дахлдор касб эгаларининг билимларини мустаҳкамлаш билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда биринчи марта амалга оширилаётган мазкур лойиҳа олти қисмдан иборат бўлиб, йигирма ҳафтни қамраб олган. У дастлаб Тошкент шаҳридаги 64, 133, 241, 324-умумтаълим мактабларида жорий этилади. Зўравонликнинг олдини олиш ва ижобий психологияни ўқитиш методикаси муваффақиятли амалга ошса, уни халқ таълими раҳбар ҳамда мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига татбиқ этиш режалаштирилган.

Юлдаз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига тақлиф қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Самарқанд вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 262/2018-02-сонли шартномага асосан https://www.e-aukcion.uz электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 26-27-28 февраль кунларида ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Самарқанд вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами	Савдо ўтказиш санаси
1.	«УАЗ 31512»	1989	30 460 GAA	№ 0043299	26.02.2019 й.
2.	«УАЗ 31512»	1989	30 518 GAA	№ 0043298	26.02.2019 й.
3.	«УАЗ 3151»	1993	30 526 GAA	№ 0043300	26.02.2019 й.
4.	«УАЗ 3151210»	1996	30 504 GAA	№ 0043301	26.02.2019 й.
5.	«УАЗ 31514»	1996	30 892 RAA	№ 0043304	27.02.2019 й.
6.	«УАЗ 31514»	1996	30 506 GAA	№ 0043302	26.02.2019 й.
7.	«УАЗ 31514»	2001	30 422 GAA	№ 0043303	27.02.2019 й.
8.	«PEICEP»	1995	30 517 GAA	№ 0043297	26.02.2019 й.
9.	«УАЗ 452»	1986	30 463 GAA	№ 0043309	28.02.2019 й.
10.	«УАЗ 452»	1988	30 512 GAA	№ 0043308	27.02.2019 й.
11.	«УАЗ 31512»	1990	30 476 GAA	№ 0043310	28.02.2019 й.
12.	«УАЗ 452»	1991	30 461 GAA	№ 0043307	27.02.2019 й.
13.	«УАЗ 31512»	1996	30 495 GAA	№ 0043311	28.02.2019 й.
14.	«УАЗ 31512»	1996	30 513 GAA	№ 0043305	27.02.2019 й.
15.	«УАЗ 3909»	1998	30 483 GAA	№ 0043306	27.02.2019 й.
16.	«NEXIA»	2007	30 083 TAA	№ 0043312	28.02.2019 й.
17.	«VOLKSWAGEN»	1997	30 481 GAA	№ 0043453	28.02.2019 й.
18.	«УАЗ 452»	1985	30 470 GAA	№ 0043313	28.02.2019 й.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

# «ZAKAZ SHASHLIK», «ДОДА ПАТИР»...

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЛОҚАЙДЛИК, БЕПАРВОЛИК, ХУРМАТСИЗЛИК ЭВИ БИЛАН-ДА!

Бугун Наманган шаҳри кўчалари ҳар қачонгидан ҳам обод. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида иш қайнайди. Аммо уларнинг атрофидаги эълон, афиша ва реклама панноларида ёзилган матнларга кўзи тушган ҳар қандай саводи ҳаминқадар одам ҳам "Тавба, шунчалик имловий ва стилистик хатога йўл қўйиш мумкинми?" деганича бош чайқаш турсан гап. Хорижий сўзларни-ку, қўяверинг, улардан дуч келган жойда ноўрин фойдаланавериш нечоғли тўғри?

Мана, ошқона пештоқдаги ёзувлар: **«ZAKAZ SHASHLIK»**, **«ЧУСТ БУЮРУТМА ТАОМЛАРИ»**, **«НАХОРГА МАСТАВА»**, **«ТИЛЛО ДОДА ПАТИР НОН МАРКАЗИ»**.

Нима дейсиз? Изоҳ топа оласизми? Ёки бизда бундан баттар-ку, деган ҳаёлга бораёсизми?

Балки бунақа "ижодкорлар" шунақа думи юлинган жумлалар билан эътиборни тортишмоқчидир? Бу сўзларимизга хурматсизлик эмасми?

На дизайн, на бадий дид талабларига жавоб берадиган йўл кўрсаткич-

ларига мутасаддилар қачон эътибор қаратишади?

**«BOBURSHOX ko'chasi»** ўрнига **«Bobur shohko'chasi»**, **«Hamrox»** ўрнига **«Hamroh»** деб ёзиш учун бир оз савод ҳам бўлиш керак-да!

Биров она шаънига ноўрин сўз айтса, бўйи баравар сакрайдиган орномус эгаларини она тилига ҳар қадамда учрайдиган бундай эътиборсиз муносабат, чаласаводлик нега газаблантирмаслигига ҳайрон қоласан, киши.

— Биз бир неча йилдан бери шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ташқи реклама воситаларининг мазмун-мунда-



рижасини назорат қиладиган комиссия тузилиши зарурлиги ҳақидаги масалани кўтариб келамиз, — дейди "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Дилшод Мамажонов. — Афсуски, ҳозирги кунгача бу таклиф инобатга олингани йўқ. Оқибатда "Давлат тили ҳақида"ги Қонун талабларининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Саводи "говлаб кетган" бўлса-да, бу борада мутахассислар билан маслаҳатлашиб, иш тутган масъулу мутасаддилар ютса ютадики, асло ютқазмайди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Бухоро томонларда

Ёмонжар каналига сув келмай қолса, Олот ва Қорақўл туманларидаги 15 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермеру томорқачиларнинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди.

### ЭЗГУЛИКДАН КЎНГИЛЛАР РАВШАН

— Каналнинг узунлиги етти километрни ташкил этадиган қисми кўшни Туркменистон билан чегара худуддан оқиб ўтгани боис, чап қирғоқдаги сув ўтказувчанлигини бир меъёрга сақлаш қийин эди, — дейди қорақўллик меҳнат фах-

рийси Тўра Ғайбуллаев. Давлатимиз раҳбари томонидан бу сув иншооти учун янги ўзан барпо этиш таклифи қўллаб-қувватлангач, 6,1 миллиард сўмлик қазийш ишлари амалга оширилди. Ҳадемай, Ёмонжар яна тўлиб-тошиб оқди.

### АУДИОГИД МАЪЛУМОТ БЕРАДИ

Бухорога келган сингапурлик сайёҳ Ту Во Пин қадимий Арк қўргонига аудиогиддан фойдаланди.

— Аудиогидта буюртма бериб, музей-қўриқхона ҳақидаги барча муҳим маълумотларга эга бўлдим, — дейди у.

Мобил алоқа воситаси ҳажмидаги ихчам

овозли аудиогид буюртмачига ўзбек, рус ва инглиз тилларида зарур барча ахборотни етказиб туради.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

### «FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади. «TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисига ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71.

www.motoblok.uz

## МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омордан таклиф этади.

Тел.: 93-555-00-95, 93-555-12-88, 71-291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

## ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.

## QISHLOQQURILISHBANK

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

### «Инсон манфаати»

омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача.

фоиз ставкаси йиллик 20%.

### «Жонажон Ватан»

омонат муддати — 7 ойдан 13 ойгача.

фоиз ставкаси йиллик 18%.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Телефонлар: 78-150-72-58, 78-150-93-39.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

## «AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

- олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар
- МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар
- занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар
- санчкили юклагичлар



Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

Ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика



Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

### Халқ сўзи

Народное слово

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев. Навбатчи — Р. Шеркулов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 03.45 Топширилди — 05.00 1 2 3 4 5 6